

# **ШОВҚИН ВА ТЕБРАНИШЛАР МАВЗУСИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ**

***Мамадалиев Адхамжон Тухтамирзаевич***

Наманган муҳандислик-қурилиш институти доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада шовқин ва тебранишлар мавзуси мисолида ривожлантирувчи таълим технологияларини амалиётда қўллаш имкониятлари ёритилган. Фанга доир таянч сўз ва иборалар ёрдамида ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усулларидан фойдаланиб, мавзунинг мазмуни ва моҳияти очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Шовқин, тебраниш, тебраниш частотаси, амплитуда, ривожлантирувчи таълим технологияси, ёқимсиз товуш, назарий тушунча, амалий кўникма, мантиқий, танқидий, таълим тизими, педагогик технология, технологик ёндошув, венн диаграммаси, синквейн

**Abstract:** This article highlights the possibilities of practical application of developmental educational technologies on the example of the topic of noise and vibrations. The content and essence of the topic is revealed using the educational technologies and methods that develop with the help of basic words and phrases related to science.

**Key words:** Noise, vibration, vibration frequency, amplitude, developmental educational technology, unpleasant sound, theoretical concept, practical skill, logical, critical, educational system, pedagogical technology, technological approach, venn diagram, sinkvein

Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, талабаларнинг таълимий, тарбиявий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни тез ўзгарувчан дунёда жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назариясидир. Ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг ўзлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йўналтира олган бўлиши керак. Ривожлантирувчи таълим технологиялар

кўлланганда, талабалар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўниумага айланишига, билим сифат самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Ривожлантирувчи таълимнинг технологияларига Бумеранга, ФСМУ, Венн диаграммаси, Балиқ скелети, усулларига эса ақлий хужум, гурухларда ишлаш, тақдимот ва рефлексия киради.

Ўқитишига ривожлантирувчи таълим технологиялар ва усулларини деярли барча фанларга, шу жумладан, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанига ҳам қўллаш мумкин. Ушбу мақолада Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан «Шовқин ва тебраниш» ибораси мисолида «Венн диаграммаси» ва «Синквейн» интерфаол усулларини қўллаб, ўқитиши жараёнида мавзунинг мазмун ва моҳияти очиб берилган. Бундан ташқари шу мавзуни ўқитишида кичик гурухларда ишлаш методидан хам фойдаланиш қўрсатиб ўтилган.

**1.«Венн диаграммаси»** ёрдамида 2 та тушунчани ўзига ҳос ва ҳар иккиси учун умумий бўлган белгилари ёки хусусиятлари аниқланади. Қуйида «Шовқин» ва «Тебраниш» тушунчалари мисолида Венн диаграммасини тузиш қўрсатилган:

Шовқин	Умумий томонлари	Тебраниш
<p>Ҳосил бўлиши сабаблари</p> <p>1.Станоклар ишлаши, қўл асбобидан фойдаланишдаги зарба, ишқаланиш ва сирғаниш натижасида тебранувчи харакатларнинг ҳаво муҳитида товуш бўлиб тарқалади.</p> <p>2. Шовқинда механик тебранишлар амплитудаси зичлашиш ва сийраклашишларда босим ўзгаришининг энг катта қўрсаткичи, частота эса 1 с. тўлиқ тебранишларсони. Товуш босими барларда ўлчанади. Товуш тўлқини 1 см<sup>2</sup> га ўлчанадиган маълум механик энергияга эга</p>	<p>1.Шовқин ва тебраниш ўзининг физик табииати бўйича қаттиқ жисмлар, газлар ва суюқликларнинг механик тебранишидир.</p> <p>2. Физик гигиеник тавсифномаси.</p> <p>Шовқин ва титрашнинг умумий томонлари яъни параметрлари тебраниш частоталари ва амплитудасидир.</p> <p>3.Шовқин ва тебранишнинг организмга таъсирининг умумий томонлари</p> <p>Шовқин ва тебраниш</p>	<p>Ҳосил бўлиши сабаблари</p> <p>1.Тебраниш одам танасига ёки унинг айрим танақисмларига таъсир этганда у тўқималар бўйлаб тарқалади ва бутун гавдани тебранишини юзага келтирадиган механик тебранма харакатdir.</p> <p>2. Тебраниш частотаси герцларда, амплитуда-микрометрлар ёки миллиметрларда ўлчанади. Маълум частота ва амплитуда билан тебранадиган нуқта тўхтовсиз ўзгарадиган тезлик ва тезланиш билан характерланади.</p>

<p>3. Шовқиннинг организмга таъсири</p> <p>Шовқиннинг заарли таъсири гаранг бўлиб қолиш, нерв ва юрак томир системасидаги ўзгаришлар, юрак соҳасида санчиқли оғриш, баъзи бирларда эса гаплашганда томоқ оғриши ва кучли терлаш кузатилади.</p> <p>4. Шовқиннинг олдини олиш профилактика тадбирларини - талаба тўлдиради</p>	<p>аввало одамнинг ишлаш қобилиятига ёмон таъсир қиласди. Касб касаллигига чалинади. Дикқат эътиборнинг пасайиши натижасида ва қаттиқ чарчаш оқибатида бахтсиз ходисаларга олиб келади.</p> <p>4. Талаба шовқин ва яна тебранишларнинг умумий ва фарқий томонларини топади.</p>	<p>3. Тебранишнинг организмга таъсири.</p> <p>Тебраниш энг аввало нейтротрофик ва гемодинамик бузилишлар, қон томирларида спастик –атоник ҳолатларни юзага келиши, кўл бармоқлари ва кафтларни сезувчанлигини йўқолиши ва суяк бўғимдаги ўзгаришлар кузатилади.</p> <p>4. Тебранишнинг олдини олиш профилактика тадбирларини - талаба тўлдиради</p>
---	---	---

**2. Синквейн** – интерфаол усули ахборотларни ёйиш, ихчамлаш жараёнида муаммога турлича ёндашув асосида талабаларнинг фикрлаш қобилятини ривожлантиришга ёрдам беради.

1. \_\_\_\_\_ от (ким, нима);
2. \_\_\_\_\_ сифат (қандай, қанақа);
3. \_\_\_\_\_ феъл (вазифаси, функцияси);
4. \_\_\_\_\_ ассоциация (тасаввур, хаёлга нима келди)
5. \_\_\_\_\_ отнинг синоними(ўхшатмаси).

Масалан: «Тебраниш амплитудаси» иборасига синквейн тузамиз:

1. Жаранглашнинг босими ва кучининг даражаси
2. У қанчалик қаттиқ бўлса, товуш босими шунчалик катта ва товуш қаттиқ бўлади;
3. Товуш босими барларда ўлчанади;
4. Шивирлаб сўзлаганда товуш босими 1м масофада тахминан 0.01 бар;
5. Тебраниш частотаси

Талабаларга дарс бериш жараёнида **кичик гурухларда ишлаш методи** муҳим аҳамият касб этади. Яъни муҳокама қилиш ва баҳолаш муҳим омил ҳисобланади. Гурухлар якуний босқичда иш натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гурух ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар педагог томонидан ёзиб борилади.

Кичик гурухларда ишлаш натижалари педагог томонидан баҳоланади.

Бунда фаолиятни түғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади. Кичик гурухларда ишлаш методининг афзаликлари ва камчиликлари түғрисида фикр юритиб ўтамиз.

Кичик гурухларда ишлаш методининг афзаликлари:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча талабалар жалб етилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

Кичик гурухларда ишлаш методининг камчиликлари:

- кучсиз талабалар бўлганлиги сабабли, кучли талабаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча талабаларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;

Қуйида «Шовқин, тебраниш ва нурланишлар» мавзусини ўргатишида “Кичик гурухларда ишлаш” методини қўллаш келтирилган:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади:

- Шовқин қандай ҳосил бўлади?
- Инсонлар қанча Гц оралиғидаги частотали товушларни қабул қиласди.
- Шовқинни олдини олишда қандай профилактика тадбирлари ишлаб чиқиласди?

2. Кичик гурухлар белгиланади. Ўқувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин: ҳар бир гурух ўзига ном беради (мисол учун “Шовқин”, “Тебраниш” ва ш.к.)

3. Кичик гурхлар топшириқни бажаришга киришадилар. Қўйилган масала бўйича ўз фикрларини вараққа ёзадилар (мисол учун шовқинни олдини олишда қандай профилактика тадбирлари ишлаб чиқиласди?)

4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади (масаланинг ечимини топишда нималарга эътибор бериш лозим).

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиласидилар (ҳар бир гуруҳ варақларга муаммони ечиш бўйича ёзилган маълумотларни доскага осиб тушунтириш берадилар).

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар фаолияти баҳоланади (гуруҳ ўқувчилари ва умуман кичик гуруҳ фаолияти баҳоланади. Фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади)

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, талабаларнинг ўқитиш жараёнида ривожлантирувчи таълим технологиялардан Венн диаграммаси», «Кубик стратегияси» ва «Синквейн» интерфаол усусларини қўллаш талабаларни мавзуни яхши ўзлаштириш учун асосий омил бўлиб хизмат қиласиди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. М.Х. Тўхтаходжаева. Педагогика назарияси. Т: «Иқтисод-молия», 1996

2. А.А. Каспаров. Меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси. Медицина. Тошкент. 1980й